ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00371

ҚАНОТЛИ СЎЗЛАРНИНГ ИМПЛИЦИТ ХУСУСИЯТЛАРИ

Гузалхон Неъматовна Исакова
Филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат стоматология институти
isakova-guzal@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Бадиий матнда қанотли сўзларнинг қўлланилишига хос хусусиятларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги мақолада лотин ва француз тилларидаги қанотли сўзларнинг имплицит тарзда матнда берилиши борасида фикр юритилади. Таҳлиллар асосида уларнинг функциялари очиб берилади.

Калит сўзлар: қанотли сўз, цитата, имплицит, аниқ, ноаниқ, муаллиф, манба, функция.

THE IMPLICIT PROPERTIES OF HIDDEN QUOTES

Guzalkhon Nematovna Isakova
Associate Professor**,** Doctor of Philosophy
Tashkent State Dental Institute

ABSTRACT

Revealing the features of the use of winged words in a literary text is important. The following article discusses the explicit citation of Latin and French winged words in text. Their functions are revealed based on the analysis.

Keywords: winged word, citation, implicit, definite, indefinite, author, source, function.

КИРИШ

Қанотли сўзлар машҳур файласуфлар, олимлар, ёзувчилар ва давлат арбобларининг сайқалланган шаклдаги фикрларидир. Улар турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг нутқларида кенг қўлланилади. Қанотли сўзлар афористик, кенг қамровлилик, маънодорлик, қўлланувчанлик ва аниқ манбага эгалик жиҳатлари билан фарқланади. Улар нутқда чуқур фикрларни лўнда шаклда аниқ ва мураккаб ҳолат ва характерларнинг маъносини образли очиб берадиган иборалар саналади. Тилшуносликда қанотли сўзларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00371

цитатабоплик хусусиятлари борасида тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг эксплицит ва имплицит тарздаги қўлланишлари борасида қарашлар мавжуд [2]. Имплицит термини лотин тилидан (лот.implicitus) ўзлашган бўлиб, “ёйилмаган, яширин” деган маъноларни англатади [4].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, қанотли сўзларнинг имплицит хусусиятлари деганда уларнинг матнга бирор бир белгисиз киритилиши тушунилади. Илмий манбаларда бу каби ҳолатларга “яширин цитата” термини қўлланган. А.М.Бабкин ёзганидек: “Яширин цитаталар - бу нутқ оборотлари ва сўз бирикмалари - бошқа муаллифга тегишли, лекин манбасига ҳавола берилмаган ёки алоҳида тушунтиришсиз матнга жойлаштириш” [1, 107]. Яширин цитаталар ҳақида В.Н.Вакуров, “трансформация қилинмаган қанотли сўзлардан фойдаланиш усули”, деб тушунтириш беради [3, 70].

Матнлардаги қанотли сўзларнинг имплицит шаклда қўлланилиши бўйича кузатишлар О.В.Беркованинг “Имплицит цитаталар – бу эксплицит цитаталарга нисбатан кенг тарқалган кўриниш” [2, 59], деган фикрни ёқлашимизга имкон беради.

Шунингдек, К.П.Сидоренко: “Яширин цитаталар бадиий адабиёт ва матбуот тилига айнан сингиб кетади” [5, 98-102], деб таъкидлайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқоридаги фикрлар асосида қанотли сўзларнинг имплицит тарзда матнда қўлланилишларини таҳлил қилиш учун мисолларга юзланамиз. Қанотли сўзлар бундай ҳолатда қўлланганда парчага киритилади, семантик ва грамматик жиҳатдан қўшилиб кетади ҳамда бирор гап бўлаги вазифасини бажараверади.

Масалан: Oui, poursuivit m. de Peyrehorade, il y a deux **Vénus** sous mon toit. L’une je l’ai trouvée dans la terre comme une truffe; l’autre descendue des cieux, vient de nous partager sa **ceinture** (Merimée).

Юнон мифологиясида берилишича, севги ва гўзаллик маъбудаси - Венера барча инсонларни мафтун қиладиган жозибаларни ўзида яширган белбоғ тақиб юрар экан. Ушбу белбоғ унга енгилмас қудрат берар экан. Шундан келиб чиқиб Ceinture de Venus, яъни Венеранинг белбоғи ибораси “мўъжизакор белбоғ” маъносини англатади. Ушбу ибора парчада шакли сақланмаган ҳолда қўлланган ва парчага сингдириб юборилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00371

Имплицит цитаталар ҳам экслицит цитаталар каби аниқ ва ноаниқ кўринишга эга бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда имплицит цитаталарнинг аниқ шакли қўлланади, яъни худди ўз манбасида берилгани каби.

Масалан: C'étaient de petits manuels par demandes et par réponses, des pamphlets d'un ton rogue dans la manière de M. de Maistre, et des espèces de romans à cartonnage rose et à style douceâtre, fabriqués par des séminaristes troubadours ou des **bas bleus** repenties (Gustave Flaubert).

Гюстав Флобернинг "Madame Bovary" асарида қўллаган Bas Bleu, яъни Кўк пайпоқ ибораси асл ҳолича, ўзгартиришсиз қўлланган, лекин унинг цитата эканлигига парчада ҳеч қандай ишора берилмаган.

Имплицит ноаниқ цитаталар деганда муаллиф томонидан аввало, окказионал эмас, балки узуал қўллаш тушунилади. Бунда қанотли сўз манбасидан тил фондига келгунча баъзи структур ўзгаришларига юз тутади. Бунда кўпинча грамматик ўзгартиришлар назарда тутилади.

Масалан: Telle est la singuliere fatalité de tous les personnages de madame Sand, artiste par l'imagination, romanasques par le coeur, chiméeiques par l'esprit, qu'ils tournent tous, plus ou moins matériels, vite, avec plus ou moins de calcul, au culte de la vie, au désenchantement des chères illusions et à **l'adoration de veau d'or** (Cuvillier-Fleury).

Парчада келтирилган l'adoration de veau d'or ибораси аслида adorer le veau d'or, яъни олтин бузоққа сиғинмоқ. Adorer феъли муаллиф томонидан от сўз туркумига айлантирилган ва шунинг билан парчага сингиб кетишига эришилган.

Қанотли сўзларни контекстга имплицит тарзда киритиш эксплицит цитаталарга нисбатан анча кенг қўлланиш имконига эга.

Масалан: Et comme ce Legrandin enfant terrible, ce Legrandin maître chanteur, s'il n'avait pas le joli langage de l'autre, avait le verbe infiniment plus prompt, composé de ce qu'on appelle réflexes, quand Legrandin le causeur voulait lui imposer silence, l'autre avait déjà parlé et notre ami avait beau se désoler de la mauvaise impression que les révélations de son **alter ego** avaient dû produire, il ne pouvait qu'entreprendre de la pallier (Proust).

Қанотли сўзларнинг яна бир кенг тарқалган функцияси тавсифловчи эканидир. Бир томондан қанотли сўз гапирувчининг ҳаётий қурилмасини лўнда тарзда ифодалаши мумкин ва шунинг билан унинг тавсифини тўлдириши мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00371

Масалан: Après de brèves éclaircies, le regard de Marie-Louise s'assombrissait, exprimait la détresse de la femme condamnée à **porter sa croix**, à subir les vexations des entrepreneurs, à travailler du matin au soir sans jamais, joinder les deux bouts (Fréville).

Кўпинча қанотли сўзлар ҳазиломуз характерда бўлиши мумкин. Комик эффект яратиш қанотли сўзларнинг асарлардаги вазифаларидан биридир. Шунга кўра, қанотли сўзлар кўп ҳолларда ёзувчилар томонидан айнан ушбу мақсадда фойдаланилади. Ва бунинг учун муаллифлар китобий услубдаги қанотли сўзларни, масалан, Библияга оидларни қўллашади.

Масалан: Tel que vous me voyez, je me suis promené toute une journée à Paris, dans la peau d'un autre, que je **ne connaissais ni d'Eve ni d'Adam** (Ablais).

Шунингдек, қанотли сўзлар фаол равишда композицион функция ҳам бажаради. Композицион функция деганда биз, қанотли сўзларнинг матнни композицион бирлаштирадиган, бадиий асарнинг композицион стержени бўлиб етишганини тушунамиз.

Қанотли сўзларнинг композицион функцияси – бу уларнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ёзувчилар томонидан структур жиҳатдан хосил қилувчи элемент сифатида фақатгина эксплицит цитаталар эмас, балки имплицит цитаталар ҳам қўлланади. Шунга кўра ушбу қўлланишнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин.

Аввало, қанотли сўзлар муаллиф томонидан айтилган фикрни чуқурлаштириб, умумлаштириб, гўё уни мулоҳазасини хулосалагандай парчани тугатиши мумкин.

Масалан: Nous parlâmes d'autre chose, de nos champs et de nos gens, de nos bêtes et de nos enfants, mais quoi que nous fissions, nous retournions au gallop, **retournions à nos moutons** (Rolland).

Ёки: Qu'est-ce que le pape? demanda grossièrement l'ivrogne. Le bon François répond! Un grand prêtre est un roi. – Pourquoi un roi. La question est délicate, on a déjà fait plus de deux cents brochures la-dessus, sans compter les volumes. Mais François tranche la la difficulté d'un seul coup. Le pape est un roi parce qu'il a un royaume. **Voilà pourquoi votre fille est muette** (About).

Шунингдек, муаллиф гўё ўзини олиб қочиб, қанотли сўзлар билан фикрини бошлаши мумкин.

Масалан: Mais **les trois Mousquetaires** ont echangé un regard qui signifie: Nous devrons compter avec celui-là; il est de notre race! (Cesbron).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00371

Ёки: **Le vieil Adam**, il n'était qu'un enfant. C'est moi, le vieil Adam; car je suis le même homme, et depuis, j'ai grandi. Nous sommes le même arbre, mais j,ai poussé plus haut (Rolland).

Қайд этиш лозимки, қанотли сўзларнинг ном, сарлавҳа сифатида қўлланилиши ҳам фаол кузатилади. Бундай ҳолатда қанотли сўзлар бирданига икки функцияни бажариши мумкин: сарлавҳалик ва композицион. Шунга кўра, қанотли ибора сарлавҳа сифатида олинганда у муаллифнинг кейинги фикрларига бошловчилик қилади ва у билан асарнинг боши композицион тарзда бошланади. Ном сифатида олинган қанотли ибора китоб, журнал ёки асарнинг том маъносини лўнда шаклда ифодалаганлигини кўриш мумкин.

Масалан, Filo Ariadne, яъни Ариана ипи ибораси "мураккаб вазиятдан чиқиш, қийин муаммони ҳал қилиш учун йўл кўрсатишга ёрдам берадиган восита" маъносида қўлланади. Шу номли тарихий журналнинг (Россия) тарихий манбалар билан ишлашнинг янги усул ва тамойиллари, тарихга оид мунозарали масалаларга ижодий ва эксприментал ёндошувни қамраб олганлигини дарҳол англаш мумкин.

Alter Ego номли француз тилини ўргатишга мўлжалланган қўлланмалар тўплами мавжуд. Биламизки, ибора шахс характерининг ҳақиқий ёки ўйлаб топилган муқобил шахсияти ёки персонажини, баъзан яқин дўстларни, ўзига ишонгандек ишонадиган одамларни англатади. Демак, қўлланманинг номи унинг энг ишончли манба эканлигидан дарак бермоқда.

Буюк саркарда Цезарнинг "осон ва тезда қўлга киритилган муваффақият"ни англатувчи Veni, Vidi, Vici, яъни Келдим, Кўрдим, Енгдим ибораси ном сифатида фаол қўлланган: Париждаги Жеорж Помпиду марказида Морван Решмауи (Marwan Rechmaoui) томонидан 2013 йилда яратилган скульптура мавжуд. Ж.Помпиду марказининг веб-сайтида берилишича, ушбу скульптура 992та оқ мармар блоклардан ясалган бўлиб, уларнинг 26тасида тарихий фатҳ этувчиларнинг исмлари ўйиб ёзилган. Асарнинг бундай номланиши унинг тарихий урушлар масаласи ҳақида эканидан далолат беради.

Шунингдек, Veni, Vidi, Vici номи остидаги француз рэпери Ла Фуин (La Fouine)нинг қўшиғи; француз қўшиқчиси Ализе (Alizee) учун Милен Фарме (Mylene Farmer) томонидан ёзилган қўшиқ; америка рэпери Я Рюл (Ja Rule)нинг альбоми; америка қўшиқчиси Мадонна (Madonna)нинг қўшиғи; корейс хип-хоп қўшиқчиси Зико (Zico)нинг қўшиғи кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00371

ХУЛОСА

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, имплицит цитаталар эксплицит цитаталарга нисбатан фаолроқ қўлланилади ва хусусиятларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Матндаги қанотли ибораларга хос функцияларнинг турли-туманлиги шунинг билан изоҳланади. Худди эксплицит цитаталар каби имплицит цитата тарзида матнга киритилган қанотли сўзлар ҳам номлаш, таснифлаш вазифаларини бажариши мумкин. Гарчи уларнинг анонимлиги нисбий бўлсада, муаллифда бирликни эксплицитга нисбатан имплицит ҳолатда қўллаш имконияти каттароқ. Имплицит цитаталарнинг манбасидан узилиши уларни бошқа, алоқа ўрнатувчи, реплика, композицион функцияларни ҳам бажаришга мослаштириши билан бир қаторда мураккаб функцияларни бажаришга ҳам ундайди.

REFERENCES

1. Бабкин А.М. (1970) Русская фразеология, её развитие и источники. – Ленинград: Наука.
2. Беркова О.В. (1991) Крылатые слова и проблемы их лексикографирования. Дис. … канд. Филол. Наук. –Ленинград.
3. Вакуров В.Н. (1983) Основы стилистики фразеологических единиц: (На материалах сов. фельетона) - Москва: Изд-во МГУ.
4. Комлев Н.Г. (2006) Словарь иностранных слов. –Москва: ЭСКИМО.
5. Сидоренко К.П. (1995) Скрытая цитата. Русский язык в школе, №2.
6. Тимескова И.Н. (1974) Крылатые слова, их значение и происхождение. – Ленинград: Просвещение.
7. Овруцкий Н.О. (1962) Крылатые латинские изречения в литературе. -Киев.
8. Назарян А.Г. (1968) Почему так говорят по-французски. – Москва.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (2006-2008). -Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.
10. Le Petit Larousse illustré (1993). Dictionnaire encyclopédique. – Paris.